Ko'rinib turibdiki deformatsion va mustahkamlik ko'rsatgichlari saqlangan xolda elastiklik moduli oshishi kuzatildi (1-jadval). Bundan tashqari, qayta ishlash sharoitlari hosil bo'lgan nanokompozitlarning tabiatiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

1-jadval.

№	Namunalar	Tarkibi mass.%	$\epsilon$ Nisbiy uzayish	$\sigma$ Mexanik kuchlanish	E Yung moduli [MPa]
1	ПП(J-150)	100	870,55±40,25	35,17±0,25	943,00±33,16
2	ППМА	100	626,61±1,73	27,67±0,51	687,93±50,05
3	ПП/ Cloisite 20A	99/0/1	537,41±185,50	34,98±2,03	923,53±34,07
4	ПП/ Cloisite 20A	97/0/3	376,88±142,77	35,48±1,94	954,32±35,55
5	ПП/ Cloisite 20A	95/0/5	175,19±56,74	36,07±2,12	1136,41±97,08

Taqdim etilgan eksperimental ma'lumotlar kompozit material tarkibiga kiruvchi Cloisite 20A to'ldiruvchi moddasi uning mexanik xususiyatlari kompleksining yaxshilanishiga olib keladi. Shunday qilib, eksperimental ma'lumotlarga ko'ra umuman polipropilenga asoslangan kompozit material tarkibidagi to'ldiruvchi moddasi sifatida o'zgartirilgan modifikatsiyalangan montmorillonit (Cloisite 20 A) dan foydalanish to'g'risida xulosa qilish tayyor mahsulotning mexanik xususiyatlari kompleksining yaxshilanishiga olib keladi.

#### Adabiyotlar

1. Jyi-Jiin Luo, Isaac M. Daniel "Characterization and modeling of mechanical behavior of polymer/clay nanocomposites" Composites Science and Technology 63 (2003) 1607–1616.
2. Berdinazarov, Q. N., Khakberdiev, E. O., Normurodov, N. F., & Ashurov, N. R. (2022). Mechanical and thermal degradation properties of Isotactic Polypropylene Composites with Cloisite15A and Cloisite20A. Bulletin of the Karaganda University" Physics Series", 107(3), 52-60.
3. Eshbekova, S. O., & Ibragimov, J. K. (2023). Polipropilen nanokompozitlari xususiyati. Science and Education, 4(11), 149-153.
4. Эшбекова, С. О., Ибрагимов, Ж. К., Ашуров, Н. Р., & Хакбердиев, Э. О. (2023). Нанокomпозиты на основе изотактического полипропилена. образование наука и инновационные идеи в мире, 22(2), 89-96.

### POLIAKRILAMID ERITMASINI REOLOGIK TAHLILI.

<sup>1</sup>Asrorov U.A., <sup>2</sup>Inagamov S.Y.


<sup>1</sup>Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti, Toshkent, O'zbekiston

<sup>2</sup>Toshkent Farmasevtika Instituti, Toshkent, O'zbekiston


Tadqiqotda poliakrilamid eritmasining reologik xususiyatlari o'rganilgan. Eritmaning qovushoqligi va elastik modullari o'zgarishini aniqlash va bu orqali poliakrilamidning chidamliligini baholash asosiy maqsad qilib olingan.

Reologik tahlil - polimer materiallarni turli agregat holatlarda tekshirish usullaridan biri (1). Polimer eritmalari, gellar va suyulmalarni reologik hossalarni tekshirishga mo'ljallangan zamonaviy, juda sezgir tekshirish qurilmalaridan Anton Paar MCR 92, qurilmaning hususiyatlari 1-125  $mNm$  oraliqda aylanuvchi va tebranuvchi moment hosil qilib ishlay oladi, burchak tezligi  $10^{-4}$ –157  $rad/s$ , burchak chastotasi  $10^{-4}$ –628  $rad/s$ , tezligi

(CSS/CSR)  $10^{-3}$ -1500 rpm, ishlash harorati  $-50^{\circ}\text{C}$  –  $+400^{\circ}\text{C}$  oralig'ini hosil qilishga mo'ljallangan. Namunani tekshirishda nisbatan yassi, biroz ko'nussimon plastinkalaridan foydalanildi. Poliakrilamid suvdagi 8% konsentratsiyali eritmasi xona haroratida ( $25 \pm 0.5^{\circ}\text{C}$ ) tayyorlandi va tekshirildi,  $\text{pH}=7.2$ . Poliakrilamidning suvdagi eritmasi noldan to 700 rad/s burchak chastotasida tekshirilgan. Natijalarni grafik ko'rinishida turli burchak chastotalarida moddaning olgan yuklanishi va uning natijasidagi nisbiy deformatsiyasi o'zgarishi turlicha qonuniyat bo'yicha borishi ko'rinadi (1-rasm).



1-rasm. Reologik kattaliklarning burchak chastotasiga bog'liqligi.



2-rasm. Ichki ishqalanish koeffitsiyentining burchak chastotasiga bog'liqligi.

Grafikning boshlanishida, deformatsiya chizig'i tez o'sib, burchak chastotasi 100 rad/s ga yetganda 1.0 ga (100%) yetadi va keyin o'zgarmay qoladi. Bu poliakrilamidning elastik fazasi juda tez to'yinganligini va keyinchalik qo'shimcha deformatsiyalanmasligini ko'rsatadi. Kuchlanish chizig'i ham o'sishni ko'rsatib 3500 Pa atrofida barqarorlashadi. Bu poliakrilamidning yuqori chastotalarda ham materialning elastik xususiyatlarini saqlab qolish qobiliyatini ko'rsatadi (2). Poliakrilamid molekulari uzunligi ulkanligini hisobga olsak chastota oshgan sayin komformatsion holatining tartiblanishi tufayli elastiklik hususiyatlari kuchliroq nomoyon bo'ladi deyish mumkin. Eritma ichki ishqalanish koeffitsiyentining burchak chastotasiga bog'liqligi tekshirildi (2- rasm). Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, boshlang'ich qovushoqlik qiymati juda yuqori ( $\approx 30000$  mPa) bo'lib, burchak chastotasi oshishi bilan deyarli ekponensial qonun bo'yicha keskin pasayadi va 500 mPa qiymatida barqaror qolgan. Bundan kelib chiqadiki tashqi ta'sirlar bo'lmaganda modda molekulari katta qovushoqlik hosil qiladi, tashqaridan ta'sir kuchayishi bilan elastiklik hususiyatlari yuzaga chiqib qovushoqlik kamayadi. Material katta kuchlanishda ham barqarorligini saqlaydi va bu uning ishlatilish sohalarini tanlashda ancha muhim (3, 4).

Xulosa qilib aytganda, ushbu tahlillar poliakrilamidning reologik xususiyatlari va uning molekulyar tuzilishi haqida muhim ma'lumotlarni taqdim etdi. Poliakrilamid tashqi ta'sirlarga chidamli va barqaror modda. Poliakrilamidning neft va gaz sohasida, suvni tozalash tizimlarida va dorivor preparatlar ishlab chiqarishda qo'llanilishini optimallashtirish uchun boshqa turdagi kiritmalar kiritib hususiyatlarini boshqarish mumkin. Bu ma'lumotlar, shuningdek, mahalliy ishlab chiqaruvchilar ishlab chiqargan poliakrilamidning turli muhitlarda samarali qo'llanilishini chuqurroq tushunish va ilmiy hamjamiyatga yangi yutuqlarni ilgari surishda yordam beradi.

#### Adabiyotlar

1. M. Pühringer va boshqalar, Synthesis and characterization of polyacrylamide-based biomimetic underwater adhesives, Monatshefte für Chemie - Chemical Monthly, 2023, 154, 503–513, <https://doi.org/10.1007/s00706-023-03057-4>.

2. Z. Su va boshqalar, Rheology and Thixotropy of Cement Pastes Containing Polyacrylamide, Hindawi, Geofluids, 2022, <https://doi.org/10.1155/2022/1029984>.

3. H. Murata, Rheology – Theory and Application to Biomaterials, Polymerization, 2012, <http://dx.doi.org/10.5772/48393>

4. H. Ramli va boshqalar, Basic principle and good practices of rheology for polymers for teachers and beginners, Chemistry Teacher International 2022; 4(4): 307–326, <https://doi.org/10.1515/cti-2022-0010>

## REMOVAL OF TOXIC ORGANIC DYES BASED ON MAGNETITE


<sup>1</sup>*Inkhonova A.*, <sup>1</sup>*Babojonova G.*, <sup>2</sup>*Bekchanov D.*, <sup>2</sup>*Mukhamediev M.*

<sup>1</sup>Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan  
Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan Alfraganus University  
non-state higher education organization

<sup>2</sup>National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

A significant amount of synthetic dyes is produced and utilized globally, especially in the textile sector. It is estimated that up to 20% of the 36,000 tons per year of dyes used in the textile industry worldwide are lost in effluents during manufacturing processes [1]. Many dyes are highly stable and their release poses major environmental hazards owing to potential toxicity and persistence. Thus, adequate treatment of dye-contaminated wastewater is necessary prior to environmental discharge.

The photo-Fenton process utilizes a combination of hydrogen peroxide and UV irradiation to activate Fenton oxidation catalyzed by ferrous ions. The major radical generation routes include classical Fenton chemistry, photolysis of hydrogen peroxide, and photo-reduction of ferric ions (Eqs. 1-3) [2].



Magnetite ( $\text{Fe}_3\text{O}_4$ ) is a semiconducting material containing both  $\text{Fe}^{2+}$  and  $\text{Fe}^{3+}$  centers, making it a potential candidate photo-Fenton catalyst. Some studies have examined the use of magnetite nanoparticles for adsorption or heterogeneous activation of peroxide in dye removal processes [3]. The magnetic nature also enables separation and recovery after water treatment.

This work aims to explore the efficacy of magnetite nanoparticles as photocatalysts for photo-Fenton like degradation of Rhodamine B dye. The effects of operational parameters including catalyst dose, pH, hydrogen peroxide concentration, temperature, illumination, and salt additives on the catalytic efficiency are systematically investigated.

Rhodamine B exhibits a maximum absorption peak at 554 nm, responsible for its pink-red color [4]. It has been extensively studied as a model dye contaminant to evaluate various wastewater discoloration techniques. Several key factors including dye concentration, oxidant ( $\text{H}_2\text{O}_2$ ) levels, light sources, pH, and inorganic salts were evaluated to understand their effects on the photo-Fenton process mediated by magnetite photocatalyst.

0,3 g of the toxic polymer complex of magnetite are placed in 250 ml volumetric flasks and filled with solutions of organic dye rhodamine B (25, 50, 100, 150 and 200 ppm). To accelerate the redox process, a drop of 30% hydrogen peroxide ( $\text{H}_2\text{O}_2$ ) solution is added and photodegradation of rhodamine B dye is carried out.





Fig. 1. chemical structure of Rhodamine B dye

The photodegradation of rhodamine B dye was determined using a spectrophotometer, in which the decomposition of rhodamine B dye decomposed at the beginning and at different time intervals was 98.14% compared to the original solution, and the photodegradation of organic dyes was determined. is found by the following Formula.

$$q = \frac{(C_0 - C_e)}{m} \times V$$



#### References:

1. Dafale, N., Rao, N.N., Meshram, S.U., Wate, S.R., 2008. Decolorization of azo dyes and simulated dye bath wastewater using acclimatized microbial consortium – Biostimulation and halo tolerance. *Bioresour. Technol.* 99, 2552–2558.
2. Nidheesh, P.V., Gandhimathi, R., 2012. Trends in electro-Fenton process for water and wastewater treatment: an overview. *Desalination* 299, 1-15.
3. Quan, X., Chen, S., Zhao, H., Zhao, Y., Chen, J., 2015. Powder magnetite-Fenton oxidation of an azo dye acid red B in aqueous solutions. *J. Environ. Sci. Health A* 50, 618–630.
4. Anna Jakimińska, Miłosz Pawlicki, Wojciech Macyk, 2022. Photocatalytic transformation of Rhodamine B to Rhodamine-110 – The mechanism revisited, *Journal of Photochemistry and Photobiology A: Chemistry*, 433,114176.

## SYNTHESIS OF ZnO NANOPARTICLES ON THE SURFACE OF FUNCTIONAL POLYMER MATERIALS.

<sup>1</sup>*Inkhonova A.*, <sup>1</sup>*Babojonova G.*, <sup>2</sup>*Bekchanov D.*, <sup>2</sup>*Mukhamediev M.*

<sup>1</sup>Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan  
Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan Alfraganus University  
non-state higher education organization

<sup>2</sup>National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

Recently, the production of nanoparticles has attracted considerable attention due to their distinctive characteristics and wide range of applications. Nanotechnology and nanoscience as a rapidly growing branch of materials science deals with materials having particles in the size range of 1 to 100 nm and high surface to volume ratio. Some NPFs have demonstrated their effectiveness in various fields of engineering. In recent years, zinc oxide (ZnO)-based NPFs have gained much more importance due to their attractive and outstanding properties such as high chemical stability, high photostability, high electrochemical coupling coefficient and wide radiation absorption range. Zinc oxide (ZnO) nanoparticles are multifunctional and promising for application in various technologies. ZnO nanoparticles can be incorporated into polymer surfaces to improve the activity of the functional polymer material and provide new functions such as UV photodiodes, gas sensors and photocatalysts [1]. This paper studies the synthesis of ZnO nanoparticles on the surface of a functional polymer material PPE-4 [2] synthesized from polyvinyl chloride and polyethyleneimine discussing methods, problems and prospects in this field.

3 g of PPE-4 anionite and zinc sulfate solution weighed on an analytical balance were added to a 100 mL measuring beaker and stirred with a magnetic stirrer at 60 °C for 30 minutes. To the aqueous solution of zinc sulfate and anionite with vigorous stirring, ammonium hydroxide was slowly added at a molar ratio of 1:2 and continued stirring for 3 hours. The resulting white precipitate was filtered, thoroughly washed three times with deionized water and dried. The prepared PPE-4 & ZnO-NPs were characterized by SEM and XRF. The prepared sample was used for photocatalytic degradation to purify water from toxic organic textile dyes. Toxic organic textile dyes can be effectively removed from water by this process, which is an economical and efficient method of water purification.

Scanning electron microscopy (SEM) was used to study the surface morphology of the synthesized functional polymeric material PPE-4& ZnO-NPs. Figure 1 shows SEM images of PPE-4 and PPE-4 & ZnO-NPs.

Chemical analyses of PPE-4 and PPE-4&ZnO-NPs composites with the addition of zinc sulfate were also obtained using a Rigaku NEX DE benchtop energy dispersive X-ray fluorescence spectrometer (EDXRF)-analyzer with an X-ray tube equipped with a silicon drift detector.





Figure-1. Sem. image of PPE-4 and PPE-4 & ZnO

The XRF spectrum presented in Figure 2 shows a clear profile of the elemental composition of the synthesized ZnO nanoparticles. The intense signal at 8.63 keV (Zn-K $\alpha$ ) strongly indicates that ZnO nanoparticles are the main elements of PPE-4&ZnO NPs. (Figure 2).



#### References

1. Chung Y T *et al.* 2015 Synthesis of minimal-size ZnO nanoparticles through sol-gel method: Taguchi design optimisation *Mater. Des.* **87** 780–7
2. Eshtursunov, D., Inkhonova, A., Botirov, S., Fayzullayev Y., Bekchanov, D., Mukhamediev, M. Removal of Rhodamine B from Wastewater by Adsorption using Iron Oxide-Polymer Composite Material. *Asian Journal of Chemistry*, 2023, 36(1), 32–36 pp.

### ВЛИЯНИЕ ФУЛЛЕРЕНА C<sub>60</sub> НА ВЕЛИЧИНУ ЭНЕРГИИ ШИРИНЫ ЗАПРЕЩЁННОЙ ЗОНЫ ПОЛИСТИРОЛА

<sup>1</sup>Абдуллаев Х.М., <sup>2</sup>Шарифов Д.М., <sup>3</sup>Мирзо А., <sup>4</sup>Шаимов Э.Д.

<sup>1, 3, 4</sup>Таджикский национальный университет, Душанбе, Таджикистан

<sup>2</sup>Евразийский национальный университет им. Л.Н.Гумилева, г. Нур-Султан, Казахстан

Углероднаполненные композиты на основе полимеров обладают различной структурой и физическими свойствами в зависимости от типа и концентрации наполнителя. В настоящей работе исследовано влияние концентрации фуллерена C<sub>60</sub> на величину энергии ширины запрещённой зоны (E<sub>g</sub>) полистирола.

Величина E<sub>g</sub> оценивалась нами спектрофотометрическим методом по краю спектра поглощения Урбаха, которое известно под названием графический метод Тауца («Tauc plot») [1]. Край поглощения для прямых и непрямых переходов определяли как

$$\alpha \cdot E_F = C_0 (E_F - E_g)^\gamma,$$

где  $E_F = h\nu$  – энергия фотона,  $C_0$  – энергонезависимая константа, связанная с валентной зоной и зоной проводимости,  $E_g$  – энергия ширины запрещённой зоны исследуемого образца,  $\gamma$  – показатель, определяющий прямо разрешённые и косвенно запрещённые переходы, соответственно.

Для определения E<sub>g</sub> по спектру поглощения для прямых разрешённых переходов ( $E_F \geq E_g$ ), был построен график зависимости  $(\alpha E_F)^2 = f(E_F)$ , где  $\alpha$  – коэффициент поглощения, и выделен на нем линейный участок. Экстраполируя линейный участок до пересечения с осью абсцисс, можно определить E<sub>g</sub> (рис. 1, а). В случае косвенных переходов величина E<sub>g</sub> определялась из графика зависимости  $(\alpha E_F)^{1/2} = f(E_F)$  (рис. 1, б).




Рис. 1. Зависимость  $(\alpha E_F)^2 = f(E_F)$  для прямых разрешённых переходов (а) и  $(\alpha E_F)^{1/2} = f(E_F)$  для непрямых (косвенных) переходов (б).

На рис. 2 представлены результаты по определению  $E_g$  ПС и композитов ПС+ $C_{60}$ . Как видно из рисунка, для ПС величина ширины запрещённой зоны составляет  $\sim 4.2$  эВ, тогда как для композитов ПС+  $C_{60}$  она уменьшается до  $\sim 2.5$  эВ. Более точные расчеты показывают, что, хотя и наибольшее уменьшение величины  $E_g$  по сравнению с исходным ПС наблюдается в композите, содержащем 3%  $C_{60}$ , однако с возрастанием содержания  $C_{60}$  в композите до 10% тенденция уменьшения величины  $E_g$  сохраняется (рис. 3). Полученные результаты согласуются с работами [2, 3], в которых показано уменьшение  $E_g$  ПММА на 16% при внедрении 1,3%  $C_{60}$ .




Рис. 2. Влияние наночастиц фуллерена  $C_{60}$  на энергию ширины запрещённой зоны полистирола.




Рис. 3. Зависимость энергии ширины запрещённой зоны композитов ПС+ $C_{60}$  от концентрации наполнителя.

Таким образом, из полученных результатов следует, что с возрастанием содержания  $C_{60}$  в ПС свойства проводимости композитов приближаются к полупроводникам.

#### Литература

1. Tauc J., Grigorovici R., Vancu A. Optical properties and electronic structure of amorphous germanium. Phys. Stat. Sol., 1966. - N15. - P. 627-637.
2. Mansour A. F. Intern. J. of polymeric materials and polymeric biomaterials: Optical properties of Fullerene/PMMA, 2005. - V. 54, Issue 3. - P. 227-235.

3. Shujahadeen B. A., Omed Gh. A., Brza M.A., et. al. Effect of carbon nano-dots (CNDs) on structural and optical properties of PMMA polymer composite. Results in Physics, 2019. - V. 15. - 102776. - P. 1-11.

### СИНТЕЗ И ФОТОКАТАЛИТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА УГЛЕРОДНЫХ ТОЧЕК g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/CdZnS

<sup>1</sup>Собирова Ф.Ж., <sup>1</sup>Исломова З.Р., <sup>1</sup>Ишанкулов А.Ф., <sup>1</sup>Халилов К.Ф.,  
<sup>2</sup>Галяметдинов Ю.Г., <sup>1</sup>Мухамадиев Н.К.

<sup>1</sup>Самаркандский государственный университет, г.Самарканд, Узбекистан

<sup>2</sup>Казанский национальный исследовательский технологический университет, г. Казань, Россия

Углеродные точки представляют собой углеродные наночастицы с размерами менее 10 нм, которые привлекли значительное внимание благодаря своим уникальным физико-химическим свойствам. Эти наноматериалы демонстрируют высокую фотолюминесценцию, биосовместимость, что делает их перспективными для широкого спектра применений, таких как биомедицинская визуализация, оптоэлектронные устройства и, в частности, фотокатализ [1-2].

При синтезе углеродных квантовых точек к 300 мл дистиллированной воды добавляли 0,005 моль лимонной кислоты и 335 мл этилендиамина. В полученной смеси 0,05 г п-бензохинона растворяли в 5 мл, 10 мл, 15 мл дистиллированной воды и тщательно перемешивали при 70°C. Все процессы проводились в атмосфере аргона при постоянном перемешивании [3-4].

В результате эксперимента с лимонной кислотой и мочевиной интенсивность фотолюминесценции увеличилась при низких концентрациях, но возбуждения фотолюминесценции при высоких концентрациях не получено. Это связано с тем, что скорость реакции очень низкая при низкой концентрации СКТ и мочевины. Было замечено, что время реакции увеличивается с увеличением концентрации предшественника (рис. 1).




Рисунок 2. Спектры поглощения композитов g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> и CdZnS/g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>

Размер углеродные точки был получен с помощью атомно-силового микроскопа (АСМ) Solver Pro-M (NT-MDT, Россия). После последующего отжига УТ в течение 15 min при 130°C проводилось измерение их размеров.




Рис. 2. Изображения с АСМ для углеродные точки  $g\text{-C}_3\text{N}_4$  КТ соответствующие гистограммы распределения их размеров.

На рис. 2 представлены изображения с АСМ для аморфных углеродные точки  $g\text{-C}_3\text{N}_4$  КТ с соответствующими гистограммами распределения их размеров. Согласно изображениям с АСМ и соответствующим гистограммам распределения их размеров, представленным на рис. 2 для обычных графитных углеродные точки  $g\text{-C}_3\text{N}_4$  КТ характерен средний размер  $2.4 \pm 0.8$  нм и  $1.8 \pm 0.8$  нм. Следует отметить, что процесс диализа графитных, также как и аморфных углеродные точки, приводит к уменьшению их среднего размера.

#### Литература

1. Saidzhonov B.M., Zaytsev V.B., Vasiliev R.B. Effect of PMMA polymer matrix on optical properties of CdSe nanoplatelets //Journal of Luminescence. – 2021. – Т. 237. – С. 118175.
2. Bhandari S. et al. Biomolecule-derived quantum dots for sustainable optoelectronics //Nanoscale Advances. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 913-936.
3. Martindale B. C. M. et al. Solar hydrogen production using carbon quantum dots and a molecular nickel catalyst //Journal of the American Chemical Society. – 2015. – Т. 137. – №. 18. – С. 6018-6025.
4. Ishankulov A.F. Khalilov K.F., Shamilov R.R., Galyametdinov Y.G., Mukhamadiev N.K.. Size-optical characteristics of CdSe/ZnS quantum dots modified by thiol stabilizers //Journal of Sol-Gel Science and Technology. – 2023. – С. 1-6.

### **KIMYOVIY MODIFIKATSIYALANGAN QATLAMLI ELASTOPOLIMER ADGEZIV TO'QIMA MATERIALLARINI SHAKLLANTIRISH**


*Ibragimov A.T., Karimov B. B., Karimov S.X.*

**Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti, Toshkent shahri, O'zbekiston**

Polimer chiqindilarini qayta ishlash masalasi dolzarbligini saqlamoqda [1, 2]. Yuqori molekulyar birikmalarning fizikasi va kimyosi qonuniyatlari asosida sintez qilingan yelim-lateksli poliakril sopolimerlari bilan regenerat suspenziyalari qo'shilmalarini termomexanik qorishtirib, mikroeterogen kolloid eritmalarining reaksiyon aralashmalari olingan. Quyida, modifikatsiyalangan rezina-polimer adgezivlarining turli muhitlarda sorbent sifatida fil'trovchi qoplamali to'qima-matolar hamda qatlamlı elastopolimer kompozit materiallarini shakllantirishni joriy qilish amaliyoti tadqiq qilindi. Tajriba sinov natijalaridan aniqlandiki, (yarim)tayyor mahsulotning butlovchi qismlari ustma-ust jipslanganda, buyumning ishqalanishdagi shakl barqarorligini, yemirilishga bardoshlilikni, yuqori darajadagi mustahkamlikni namoyon etishi bilan birga, lefob mikroeterogen dispers sistema retseptura tarkibiga emul'gatorning kichik kontsentratsiyada qo'shilishi – elastopolimer kompozitning tashqi agressiv muhit (turli xil

erituvchilar, neft, yog'-moy)lar ta'siriga chidamliligini oshirib, modifikator bog'lovchi to'ldirilgan, nam shimuvchan adgeziv materiallarining fizik-mexanik ko'rsatkichlarini ham nisbatan yaxshilashga imkon berdi [3].

Elastopolimerli rezina-plast chiqindilariga termomexanik ishlov berishning samarali texnologik jarayoni o'z ichiga, bajarilishi shart bo'lgan quyidagi bosqichli usul (uslub)larni qamraydi, bular: disperslash, vulkanlash, plastiklash, quyib shakllantirish. Maqbul tarkibli reaktiv qorishma retsepturasida 100 mass. q. polimer asos kauchuk ulushiga - 5÷10 mass. q. miqdor konsentratsiyasigacha regenerat qo'shilishi - yuqori yelim xususiyatli termoelastoplast adgeziv vulkanizat mahsuloti sifatidagi – qatlamli tolasimon polimer qoplamli kompozit materiallari namunasining pishiqli-mustahkamlik ko'rsatkichlari bo'yicha tavsiflarini qariyb 7% ga ko'tarilishiga, bu bilan esa, tayyor rezina-qoplamali mato sirt yuzasi bo'ylab kirishuvchanlikni 9% ga pasayishga olib keldi. Tola hosil qiluvchi elastopolimerli kompozitsiyalar asosidagi qatlamli shakl-ko'rinishida tayyorlanadigan rezina-mato konstruktiv materiallarining namunalarini laboratoriya sharoitida olinish usullariga ko'ra, solishtirma-qiyosiy fizik-mexanik xossalari – elastopolimer qoplamli sintetik gidrofob buyumlarni ishlab chiqarish quvvatlarida tajriba-sinovlaridan o'tkazilib, sport maydonchalarining velotrek, yengil atletika, yugirish yo'lakchalari uchun binokorlik sun'iy bruschatka bostirmalarini shakllantirishda hamda qurilish sohasi konstruksiyalaridagi germetik-mustahkamlovchilari sifatida sinovlardan o'tkazildi. Rezina-polimer qoplamali mato, o'ram (rulon) qatlamli zamonaviy kompozit materiallari tarkibiga, pigment, plastifikator, stabilizator, emul'gator kabi turli qo'shimcha komponent va ingrediyentlardan tashqari, bog'lovchili to'ldiruvchi sifatida, ikkilamchi EVA-sopolimeridan kukun holatida olingan regeneratning 15÷20 mass. q. (%) gachan qo'shilishi – polimer poyabzal chiqindilaridan oqilona va unumli foydalanishni belgilash bilan birga, elastopolimerlar regeneratsiyasi jarayon bosqichlarining davomiylik sxemasi sodda tuzilganligi evaziga - resurs-, energiya tejamkorlikni hamda ekologik toza, sifatli mahsulotlar hajmini ham keskin oshirishni ta'minlaydi. Quyida rezina-mato qoplamli va himoya qatlamli sendvich panellar kabi, modifikatsiyalangan elastopolimer kompozit materiallarini ikkilamchi xom-ashyolar asosida samarali qayta shakllantirib, maqbul olinishining texnologik bosqichlari keltirilgan:



Regenerat qo'shilmasi bilan to'ldirilgan va quyma usulda hamda vulkanlab olinadigan elastopolimer kompozitlarini turli soha amaliyotlarida joriy qilinib, konstruksion materiallarda tadbiq etilishi orqali, ko'p marotaba qayta ishlovga moyil bo'lgan tashlandiqlardan ikkilamchi xom-ashyo sifatida oqilona va unumli foydalanish mumkin bo'ladi. Vulkanlab quyilgan elastopolimer poyabzal chiqindilarini termomexanikaviy qayta ishlash usul-uslublarini rezina-texnik buyumlari (shlang, qo'lqop, shnur, brezent v.b.) ni ishlab chiqarish amaliyotida joriy qilinish tadbiqi natijasi – sifatsiz (brak) mahsulotli buyumlar hajmini keskin kamaytirib, zarur xom-ashyo va materiallarga bo'lgan ehtiyojni qondirishga xizmat qiladi.

#### Adabiyotlar

1. Зайнуллин Х.Н., Абдрахманов Р.Ф., Ибатуллин У.Г., Минигазимов И.Н., Минигазимов И.С. Обращение с отходами производства и потребления. Уфа: Диалог, 2005. - 202 с.
2. Russian Journal of Resources, Conservation and Recycling. <https://resources.today>
3. Ибрагимов А.Т., Ходжаева С.О., Каримов С.Х. Ориентационный эффект смесевых термопластичных водно-дисперсионных сополимеров на латексной основе эмульсионных каучуков при создании эластопolyмерных клеевых композиций // [www.ares.uz](http://www.ares.uz) – The Journal of Academic Research in Educational Sciences. Volume 2 / ISSUE 2 / 2021 ISSN 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2(2) 2021: 5.723. <https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00258>. 2021/02. FEBRUARY 2021. – P. 739-755.

### **MAHALLIY XOMASHYOLAR ASOSIDA OLINGAN ANION ALMASHINUVCHI MATERIALLARNING SINTEZI**

<sup>1</sup> Babojonova G.K., <sup>2</sup> Muhamediyev M.G.

<sup>1</sup>Alfraganus Universiteti, Toshkent, O'zbekiston

<sup>2</sup>Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti, Toshkent,  
O'zbekiston

Dunyoda sintetik polimerlar asosida ion almashinuvchi sorbentlar olinish usullarini aniqlash, jarayonlar borishi va mahsulot unumiga turli omillarning ta'sirini o'rganish, ishlab chiqarish texnologiyalarini joriy etish, ularning fizik-kimyoviy va sorbsion xossalari o'rganish, xususiy tavsiflari, texnik shartlari va talablarini ishlab chiqish bo'yicha keng qamrovli tadqiqotlar bajarilmoqda[1;2]. Bu yo'nalishda, neft-gaz va ikkilamchi sanoat mahsulotlari ishtirokida olingan sintetik polimerlar asosida ion almashinuvchi sorbentlar sintez qilish, ularning fizik-kimyoviy xossalari, kimyoviy tarkibi va tuzilishini zamonaviy usullar yordamida aniqlash, fizik-mexanik, selektiv sorbsiyalash xossalari tahlil qilish va amaliyotda keng miqyosda ishlab chiqarish usullarini takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda[3].

So'nggi yillarda sintetik polimerlar asosidagi ion almashinuvchi materiallar tog'-kon sanoatida rangli, kamyob, og'ir va nodir metallarni selektiv ajratib olish hamda, texnologik eritmalarni konsentrlashda, atom va issiqlik energetika shuningdek, kimyo sanoat korxonalarini extiyoji uchun daryo suvlarini tuzsizlantirishda, suvni yumshatishda oqava suvlarni tozalashda keng miqyosida qo'llaniladigan, iqtisodiy jihatdan arzon va samarali bo'lgan usuli ionitlar ishtirokida ionalmashinish usulidir [4]. Shuning uchun ham mahalliy xomashyolar asosida yangi ion almashinuvchi materiallarni sintez qilish va ularning muhim xossalari o'rganish dolzarb masalalardan hisoblanadi. Yuqori operatsion xususiyatlari tufayli ion almashinadigan materiallar fan va sanoat amaliyotining deyarli barcha sohalarida keng qo'llanilmoqda. Ularning yordami bilan eng dolzarb ijtimoiy va ekologik muammolardan biri atrof-muhitni muhofaza qilish hal qilinmoqda. [5]. Hususan turli metallarga nisbatan yuqori sorbsiyalash xususiyatiga ega bo'lishi, kimyoviy barqaror bo'lishi, haroratning o'zgarishiga barqaror bo'lishi va arzon bo'lishi bilan birgalikda ko'p marta qayta ishlatish xususiyatiga, metall ionlarini sorbsiyalash jarayonida texnologik, ekologik va iqtisodiy talablarga mos kelishi kerak. Ionitlar ishtirokida suvdagi mavjud ionlarni ajratish usuli aynan shunday talablarga javob beradi [6]. Shuning uchun yangi, yuqori sorbsion xossali ionitlar sintez qilish katta amaliy ahamiyatga ega.

Bizga ma'lumki, granulalangan plastik polivinilxlorid donador o'lchami 0,063 mm bo'lgan suspenzion usulda olingan kukunsimon polivinilxloridni plastifikatsiyalash orqali olinadi. Olingan granulalangan plastik polivinilxlorid tarkibida PVX bilan birgalikda plastifikator, stabilizator va boshqa to'ldiruvchilarni saqlaydi. Granulalangan plastik polivinilxlorid tarkibida plastifikator sifatida asosan alkilftalatlar qo'llaniladi. Polivinilxloridni modifikatsiyalashdan oldin tarkibidagi plastifikator va boshqa qo'shimcha materiallarni chiqarib yuborish lozim [7]. Plastik PVX ni ekstraksiya qilish orqali tarkibidagi qo'shimcha moddalarni chiqarib tashlanadi. Biz tadqiqot ishimizda ekstarksiya qilish uchun etilasetat va etil spirtining turli hajmiy nisbatdagi aralashmalaridan foydalanib ekstraksiya davomiyligini 1, 2, 3, 4 va 5 soat davomida olib bordik. Buning natijasida granula o'lchami 1-3 mm bo'lgan granular o'lchami 0,5-2,5 mm gacha kichiklashgani ekstraksiyadan keyin polimerning massasi dastlabgi massaga nisbatan 5-38% gacha kamaygani kuzatildi.

Granulalangan polivinilxloridni karbamid bilan modifikatsiyalash jarayoniga polimer va modifikator massa nisbatlari ta'siri o'rganildi. Bunga ko'ra polivinilxlorid va karbamidlar mos ravishda 1:1, 1:2, 1:3, 1:4, 1:5, 1:6, 1:7 va 1:8 massa nisbatlarda qo'shish orqali modifikatsiya jarayonlari olib borildi. 1-rasmdagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, polivinilxloridga nisbatan karbamid massa nisbati ortgan sari olingan anionitning xlorid kislota bo'yicha statik almashinish sig'imi 1:5 massa nisbatgacha ortib bordi, keyin esa o'zgarib qoldi. Bunga sabab, dastlab aralashmada kam massa qo'shilgan karbamid yuqori haroratda suyuqlanganda donador polivinilxlorid donalarini to'liq qoplamaganligi sababli modifikatsiya unumi past bo'lgan. Karbamid yuqori massa qiymatda qo'shilganda olingan anionitning statik almashinish sig'imi o'zgarib qoldi. Shunday qilib, polivinilxloridni karbamid ishtirokida modifikatsiya qilishda maqbul sharoit mos ravishda 1:5 massa nisbat qilib belgilandi va bu sharoitda olingan anionitning xlorid kislota bo'yicha SAS qiymati 2,9 mg-ekv/g ni tashkil etdi.

Polivinilxloridni karbamid bilan modifikatsiyalashga harorat ta'sirini o'rganishda 393 K dan 443 K gacha bo'lgan haroratlarda olingan anionitning xlorid kislota bo'yicha SAS qiymatining o'zgarishiga asoslanib modifikatsiyalash jarayonining muqobil harorati topildi. Bunda polivinilxlorid tarkibida harorat ortishi bilan HCl ajralib chiqishi, qo'shbog' hosil bo'lishi, karbamidning suyuqlanish harorati 405 K atrofida ekanligini bilgan holda modifikatsiyaga harorat ta'siri o'rganildi.

Olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, granulalangan PVX ni karbamid ishtirokida modifikatsiyalash davomiyligini 8 soatgacha oshirib borilganda olingan anion almashinuvchi materialning statik SAS qiymati ortib bordi, keyinchalik esa sezilarli darajada o'zgarish kuzatilmadi. Shunga asoslanib, PVX ni karbamid bilan modifikatsiyalash maqbul vaqt 8 soat etib belgilandi.

Yuqorida ko'rib chiqilgan tadqiqot ishi modifikatsiya jarayonlari o'ziga xos bo'lib, ayniqsa PVX chiqindilarini qayta ishlash va uni modifikatsiyasida tan narhi arzon bulgan xomashyolardan foydalanilganligi bilan ahamiyatlidir.

#### Adabiyotlar

1. Li, Zhili. Synthesis of a carbamide-based dithiocarbamate chelator for the removal of heavy metal ions from aqueous solutions. *Journal of Industrial and Engineering Chemistry*, 2014. 20(2), 586–590 pp.

2. Diniz C.V., Doyle F.M., Martins A.H. Uptake of heavy metals by chelating resins from acidic manganese chloride solution, *Minerals Metallurgy Processing*, 2000; Vol. 17, pp. 217-222.

3. A.M.K. Choi, J. Alam, American Journal of Respiratory Cell and Molecular Biology 15 (1996) 9.
4. M. Suwalsky, R. Castro, F. Villena, C.P. Sotomayor, Cr(III) exerts stronger structural effects than Cr(VI) on the human erythrocyte membrane and molecular models .Journal of Inorganic Biochemistry 102 (2008) 842.
5. Arezoo Azimi, Ahmad Azari, Mashallah Rezakazemi, Meisam Ansarpour. Removal of Heavy Metals from Industrial Wastewaters:A Review February 2017 ChemBioEng Reviews 4(1):37-59.
6. Renu, Madhu Agarwal and K. Singh. Heavy metal removal from wastewater using various adsorbents: a review. Journal of Water Reuse and Desalination. 2017, vol. 7 (4): 387–419. <https://doi.org/10.2166/wrd.2016.104>.
7. Athar H., Sangeeta M., Richa M. Removal of Heavy Metals from Wastewater by Adsorption. Heavy Metals - Their Environmental Impacts and Mitigation. 2021. pp.1-24. DOI:10.5772/intechopen.95841.

## **ZAMONAVIY KIMYOVIY USULDA MODIFIKATSIYALANGAN KO'P QATLAMLI ELASTOPOLIMER ADGEZIV MATERIALLARI**

*Ibragimov A.T., Karimov B.B., Karimov S.X.*

**Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti, Toshkent, O'zbekiston**

Dunyoning barcha rivojlangan davlatlari qatori, mamalakatimizning iqtisodiyot tarmoqlari ham tobora taraqqiy etib, sohalar kesimida zamonaviy, natijador IT-texnologiyalarni keng tadbiiq qilinishi natijasida hamda yangi infratuzilmalarni raqamlashtirilishi evaziga - raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish hajmi keskin oshirilishi bilan barobarinda, yuqori samarador o'sish sur'atlariga erishilmoqda. Yangi O'zbekistonning strategik taraqqiyotida yuksalish sari mustahkam zamin bo'luvchi - fan-texnika yutuqlariga Davlatimiz tomonidan har jabhada alohida e'tibor qaratilyapti. Zero, ishlab chiqarish bilan ilmiy ishlanmalari o'rtasidagi o'zaro integratsiyalashuv aloqalarining uzviyligini ta'minlash hamda bozor kon'yunkturasi xaridorgirligida sifatli mahsulotlar jozibadorligi jipsligini yanada oshirib, rivojlantirish – bosh masalalar sirasiga kiradi [1]. Nazariy-amaliy kuzatuv tahlillaridan ma'lumki, Zaminimiz – tabiiy resurs manballariga o'ta boy bo'lib, jumladan, uglevodorod xom-ashyosi kabi mineral tog'-kon madaalarini Yer qa'ridan maqsadli qazib olib, chuqur qayta ishlash, ular asosida, import o'rnini bosuvchi, eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarish quvvat hajmlari bo'yicha xalqaro miqyosda ulkan salohiyat va yuqori darajada e'tirof etilgan - O'z nufuziga ega. Ayniqsa, sanoatning Kimyo, neft-gaz, to'qimachilik va charm-poyabzal sohalarini rivojiga horijiy sarmoyali istiqbolli qoshma loyihalarni yaqindan jalb etish orqali – yangitdan tashkil qilinaotgan korxonalar faoliyatlarida ehtiyojmand tovar-mahsulotlarining keng assortimentdagi turlarini o'zlashtirilishi hisobiga va ishlab chiqarish sur'atlarining oshirilishi natijasida, aholi turmush tarzi yuksalib, bandligini ta'minlash imkoniyatlari yaratilmoqda.

Tabiiy gazni chuqur qayta ishlab, sintez asosida olinadigan yangi tur polimer mahsulotlarining qo'shilgan qiymati, sifat darajasi sezilarli ortib, qariyb 14 barobarga ko'paydi. Kimyoviy sintetik (sun'iy) xom-ashyolar hamda ular asosida talab yuqori bo'lgan yarim-tayyor mahsulotlarni sintez qilinishi negizida, ko'p marotaba qayta ishlanuvchan, takroran olinadigan hamda yuqori darajadagi yelimlovchilik xususiyatiga ega elastoplast polimer materiallarini keng hajmlarda va yuqori samarador texnologiyalar asosida ishlab chiqarish bosqichlari shakllanib, kengaymoqda. Shuningdek, korxonalar faoliyatlarida xalqaro tajribalarni qo'llagan holda, sifat standartlari asosidagi amaliyotga joriy etilayotgan texnologik ilmiy ishlanmalarning transformatsiyalashuvida – energiya-, resurstejamkorlik samaradorligidagi natijadorligiga erishilmoqda. Shu maqsadda, neft-gaz

va polimerlar kimyosi sohasini rivojlantirish borasida hamda ko'pikli poliolefinlar - etilen va uning vinilatsetat asosidagi sopolimeri (etilenvinilatsetat - EVA), propilen, izobutilen hamda polivinilxlorid, termoplastik rezina (TPR) regenerati [2], yog'och qirindisi bilan to'ldirilgan ko'p qatlamli polimer kompozitsion qoplamli materiallarini shakllantirishda dastlabki reaktiv komponent hisoblangan vodorod peroksidi, karboksilmetiltellyuloza (KMTS), karbamid-formal'degid kontsentrati, metanol, kompressorni yuvuvchi sanoat moyi, sul'fat kislotasi va karbonat angidrid gazi kabi turfa xil kimyoviy qo'shimchali reagentlar asosida turli agregat (suyuq, gelsimon, quruq v.k.) holatidagi kir yuvish vositalari (kaustik soda) ishlab chiqarish singari istiqbolli manzilli ilmiy-texnikaviy innovatsion loyiha dasturlarini ijrosini ta'minlash hamda mazkur sohalarda malakali mutaxassis-kadrlar tayyorlashni takomillashtirish, xom-ashyo bazasini mustahkamlash, tovar mahsulotlar tannarxini pasaytirib, ichki va tashqi bozorlarda raqobat muhitini shakllantirish yuzasidan bitilgan xalqaro kelishuvlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirish jadallashmoqda.

EVA sopolimeri asosida tayyorlangan poyabzal chiqindilarini kimyoviy piroliz usulida termostruktsiyaviy regenerativ qayta ishlab, yelimsimon adgeziv materiallari olindi. Qo'shimchali komponentlarni qo'llanilishi sifatida quyidagi ingrediylardan foydalanildi: fenol-formal'degidli qatron (rezol/rezit), faol va mineral to'ldiruvchilar (texnik uglerod-saja, kaolin, talk). Termoquyuluvchan yelim kompozitsiyasini yaratish borasidagi tajriba-sinov natijalari tahlillaridan aniqlandiki, reaktiv qorishma retseptura tarkibidagi Vinil atsetat monomeri kontsentratsiya ulushini 20 dan 40 mass. qismgachan orttirib borilishi, o'z navbatida, adgeziv materialning yopishqoqlik (kogeziyon) xususiyatini va undan tashqari, yana to'ldiruvchilararo o'zaro bog'liqlikdagi reaktiv moyillikni ham, proporsional ravishdagi mos tarzda, hatto 0 darajadan ham past haroratlarda ko'tarilishiga hamda aksincha, EVA dan farqli o'laroq, Poliamid ishtirokidagi kompozitda esa, qoplamaning termik bardoshlilik ko'rsatkichini nisbatan kamayishi kuzatildi. Xloroprenli kauchuk, ya'ni polixloropren asosidagi rezinali neopren yelimlari, tabiiy poli-tsis-izopren polimeridan farqli ravishda atmosferaviy-klimatik ta'sirlariga yuqori chidamlilik xususiyatlarini namoyon etishi evaziga – past haroratli sharoitlarda va yog'- moyli sirt-yuza qatlamlarini jipslashtirishda qo'llanilishi mumkin bo'ladi.

#### Adabiyotlar

1. Sh.Mirziyoyev “Yangi O'zbekiston Strategiyasi”. – T.:“O'zbekiston”,2021.464 b.
2. Ибрагимов А.Т., Ходжаева С.О., Каримов С.Х. Клеевые эластополимерные композиции на основе смесевых сополимеров термопластичных резин / «Advances in Science and Technology» XXX Международная научно-практическая конференция, 31 июля 2020. Научно-издательский центр «Актуальность.РФ» Сб. статей / Collected Papers XXX International Scientific-Practical conference // Research and Publishing Center «Actualnots.RF», Moscow, Russia, July, 31, 2020, P. 64-71.

### **POLIVINILXLORID ASOSIDA OLINGAN ANION ALMASHINUVCHI MATERIALLARNING KIMYOVIY BARQARORLIGI**

<sup>1</sup>*Babojonova G.K., <sup>2</sup>Bekchanov D.J.*

<sup>1</sup>*Alfraganus Universiteti, Toshkent, O'zbekiston*

<sup>2</sup>*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti, Toshkent, O'zbekiston*

So'nggi yillarda sintetik polimerlar asosidagi ion almashinuvchi materiallar tog'-kon sanoatida rangli, kamyob, og'ir va nodir metallarni selektiv ajratib olish hamda, texnologik eritmalarni konsentrlashda, atom va issiqlik energetika shuningdek, kimyo sanoat korxonalarini extiyoji uchun daryo suvlarini tuzsizlantirishda, suvni yumshatishda oqava suvlarni tozalashda keng miqiyosida qo'llaniladigan, iqtisodiy jihatdan arzon va samarali bo'lgan usuli ionitlar ishtirokida ionalmashinish usulidir [1].Shuning uchun ham mahalliy

xomashyolar asosida yangi ion almashinuvchi materiallarni sintez qilish va ularning muhim xossalarini o'rganish dolzarb masalalardan hisoblanadi. Yuqori operatsion xususiyatlari tufayli ion almashinadigan materiallar fan va sanoat amaliyotining deyarli barcha sohalarida keng qo'llanilmoqda. Ularning yordami bilan eng dolzarb ijtimoiy va ekologik muammolardan biri atrof-muhitni muhofaza qilish hal qilinmoqda. [2;3]. Hususan turli metallarga nisbatan yuqori sorbsiyalash xususiyatiga ega bo'lishi, kimyoviy barqaror bo'lishi, haroratning o'zgarishiga barqaror bo'lishi va arzon bo'lishi bilan birgalikda ko'p marta qayta ishlatish xususiyatiga, metall ionlarini sorbsiyalash jarayonida texnologik, ekologik va iqtisodiy talablarga mos kelishi kerak [4]. Ionitlar ishtirokida suvdagi mavjud ionlarni ajratish usuli aynan shunday talablarga javob beradi [5]. Shuning uchun yangi, yuqori sorbsion xossali ionitlar sintez qilish katta amaliy ahamiyatga ega.

Sanoatning turli tarmoqlarida qo'llaniluvchi ionalmashinuvchi materiallar bir qator talablarga javob berishi kerakligi muhim hisoblanadi, bulardan eng asosiyalaridan biri ionalmashinuvchi materiallarning turli agressiv muhitlarga nisbatan kimyoviy barqarorligi hisoblanadi. Odatda sanoat uchun tayyorlanayotgan suvlar yoki sanoatdan chiqayotgan suvlarni tarkibi murrakkab tarkibli xarakterga ega eritmalar hisoblanadi. Bu eritmalar tarkibida kuchli oksidlovchilar, kislotalar va ishqorlar uchraydi. Shu sababli, sanoat miqiyosida qo'llaniladigan ionalmashinuvchi materiallar yuqori kimyoviy barqarorlikka ega bo'lishi talab etiladi.

Yuqorida ko'rsatilgan talablarni inobatga olib polivinilxlorid va karbamid asosida modifikatsiya qilib olingan (PPE-2) anioniti turli agressiv muhitlarga nisbatan kimyoviy barqarorligi tadqiq qilindi. Sintez qilingan anion almashinuvchi materiallarning kimyoviy barqarorligini aniqlash uchun anionitlarga turli kuchli oksidlovchi, kislotali va ishqoriy muhitlar ta'siri o'rganildi. Buning uchun 10 soatdan 48 soatgacha anionitlarni kuchli oksidlovchi, kuchli kislota va ishqoriy muhitlarda saqlandi. Keyinchalik anionalmashinuvchi materiallar eritmalaridan filtrlab olinib tuzsizlantirilgan suvda yuvildi va aktivlandi.

Keyinchalik anion almashinuvchi materiallarning turli agressiv muhitlarga nisbatan barqarorligini aniqlash maqsadida anionitlarning xlorid kislota bo'yicha SAS qiymatlari aniqlandi va shu anionitlarning dastlabgi SAS qiymatlari bilan solishtirish orqali kimyoviy barqarorliklari aniqlandi.

Anionitlarning kimyoviy barqarorligi bo'yicha olingan ma'lumotlar quyidagi jadvalda keltirilgan. Shuningdek, quyidagi 1-jadvalda anionitlarning kimyoviy barqarorligini solishtirish maqsadida sanoat miqiyosida qo'llaniluvchi AN-31 va O'zbekiston Milliy Universiteti Polimerlar kimyosi kafedrasida olimlari tomonidan sintez qilingan PPE-1 anionitlarining kimyoviy barqarorliklari bilan solishtirildi. Bunda PPE-1 anioniti kuchli kislotali muhitda o'zining statik almashinish sig'imini 86,6 % gacha, AN-31 anioniti esa 78,8% gacha saqlab qolgan bo'lsa, PPE-2 anioniti esa 79% gacha saqlab qoldi. PPE-1 anioniti kuchli ishqoriy muhitda statik almashinuv sig'imini 93.1% gacha saqlab qolgan bo'lsa PPE-2 anioniti 92,2% gacha saqlab qoldi.

Yuqoridagi ma'lumotlarga asosan polivinilxlorid va karbamid asosida olingan PPE-2 anion almashinuvchi material sanoat miqiyosida qo'llaniluvchi anionit AN-31 ga nisbatan yuqori kimyoviy barqarorlikka ega lekin, PVX va PEPA asosidagi PPE-1 anionitiga nisbatan nisbatan pastroq ekanligini ko'rishimiz mumkin. Lekin, shunday bo'lishiga qaramasdan PPE-2 anioniti asosan 100% mahalliy xomashyolardan olinganligi sababli tan narh jihatidan arzon turadi. Keltirilgan ma'lumotlarni inobatga olgan holda, polivinilxlorid va karbamid asosida olingan PPE-2 anionitini sanoat miqiyosida qo'llashga tavsiya qilish mumkin.

Yuqorida ko'rib chiqilgan tadqiqot ishi modifikatsiya jarayonlari o'ziga xos bo'lib, ayniqsa PVX chiqindilarini qayta ishlash va uni modifikatsiyasida tan narhi arzon bulgan xomashyolardan foydalanilganligi bilan ahamiyatlidir.

#### Adabiyotlar

1. Li, Zhili. Synthesis of a carbamide-based dithiocarbamate chelator for the removal of heavy metal ions from aqueous solutions. *Journal of Industrial and Engineering Chemistry*, 2014. 20(2), 586–590 pp.
2. Diniz C.V., Doyle F.M., Martins A.H. Uptake of heavy metals by chelating resins from acidic manganese chloride solution, *Minerals Metallurgy Processing*, 2000; Vol. 17, pp. 217-222.
3. A.M.K. Choi, J. Alam, *American Journal of Respiratory Cell and Molecular Biology* 15 (1996) 9.
4. M. Suwalsky, R. Castro, F. Villena, C.P. Sotomayor, Cr(III) exerts stronger structural effects than Cr(VI) on the human erythrocyte membrane and molecular models. *Journal of Inorganic Biochemistry* 102 (2008) 842.
5. Arezoo Azimi, Ahmad Azari, Mashallah Rezakazemi, Meisam Ansarpour. Removal of Heavy Metals from Industrial Wastewaters: A Review February 2017 [ChemBioEng Reviews](#) 4(1):37-59.

### **POLIPROPILEN VA POLIETILEN ASOSIDAGI POLIMER ARALASHMALARINING TERMIK XUSUSIYATLARI**

*Haqberdiyev E.O., Dusiyorov N.Z., Ashurov N.R.*


**O‘zR FA Polimerlar kimyosi va fizikasi instituti, Toshkent, O‘zbekiston**

PE/PP polimer aralashmalarini olishga ushbu polimer juftligining past mosligi to‘sqinlik qiladi. Ikki polimer bir-biriga aralashtirilganda, judayam ko‘p uchraydigan natija, aralashtirish entropiyasi tufayli deyarli to‘liq fazalarni ajratishni ko‘rsatadigan tizimdir [1-3]. Polimer aralashmasining uyg‘unligi termo oksidlanish jarayonida hosil bo‘lgan turlarga ta‘sir qilishi mumkin, masalan karbonil guruhlari. Ushbu turlar kompatibilizator sifatida harakat qilishi va o‘zaro bog‘lanishni kuchaytirishda muhim rol o‘ynashi mumkin. PP degradatsiyasini fenollar, xininlar va polifunksional monomer kabi antioksidantlarni qo‘shish orqali oldini olish mumkin [4]. Termogravimetriya (TGA) va differensial skanerlash kalorimetri (DSC) tadqiqotlar PE va PP ning turli xil aralashtirish nisbatlarining ta‘sirini va aralashmalarining degradatsiya xususiyatlarini ularning termik barqarorligi, erish nuqtasi, kristallik va shisha o‘tish haroratiga ta‘sirini aniqlash uchun ishlatilgan.

PP/PE 100/0 va PP/PE 90/10 tarkibli aralashmada erish harorati ( $T_{er}$ ) ni aniqlikda tadqiq etish qiyin. Biroq, PP/PE 100/0 va PP/PE 90/10 egri chiziqlari 160°C atrofida erish cho‘qqisiga o‘xshash ko‘rinadi. Bu shuni ko‘rsatadiki, PP/PE 90/10 da 10% PE mavjudligi PP ning erish haroratiga sezilarli ta‘sir ko‘rsatmaydi. PP/PE 100/0 va PP/PE 90/10 uchun ham keskin erish cho‘qqisining mavjudligi har ikkala aralashmada nisbatan yuqori kristallik darajasini ko‘rsatadi. PP/PE 100/0 va PP/PE 90/10 nisbatdagi polimer aralashmalari uchun erish cho‘qqilari ostida hech qanday sovuq kristallanish ekzotermlari ko‘rinmaydi, bu esa ushbu aralashmalarining DSC tajribasining sovutish bosqichida kristallanishi mumkinligini ko‘rsatadi. PP/PE 80/20, PP/PE 70/30, PP/PE 60/40, PP/PE 50/50 tarkibli aralashmalarda esa  $T_{er}$ : Ushbu aralashmalarda PE tarkibi 20% dan 50% gacha ko‘tarilganda erish harorati  $T_{er}$  asta-sekin pasayadi. PP/PE 80/20 150°C atrofida erish cho‘qqisini ko‘rsatadi, PP/PE 50/50 esa pastroq haroratda kengroq cho‘qqini ko‘rsatadi. Bu shuni ko‘rsatadiki, PE tarkibining ko‘payishi PPning kristalli qadoqlanishini buzadi, bu esa  $T_{er}$  ning pasayishiga olib keladi. Shu bilan birga, yuqori PE tarkibiga ega aralashmalar uchun kuzatilgan kengroq erish cho‘qqilari (masalan, PP/PE 50/50) PP/PE 80/20 bilan solishtirganda kristallik darajasi pastroq ekanligini ko‘rsatadi.

Erish haroratining o'zgarishi:  $T_{er}$  PE miqdori ortib borishi bilan pastroq haroratlarga tomon siljiydi, bu PP kristalining shakllanishiga to'sqinlik qiladigan PP va PE o'rtasidagi o'zaro ta'sirni ko'rsatadi.

Kristallanish harakati, bu aralashmalarning ba'zilari uchun zaif sovuq kristallanish ekzotermalari mavjud bo'lishi mumkin (taxminan  $100^{\circ}\text{C}$ ). TGA usulida sinovdan o'tkazilgan, PP/PE aralashmalarining termik parchalanish haroratlariga ko'ra toza PP ning dastlabki parchalanish harorati  $205,28^{\circ}\text{C}$  toza PE ning dastlabki parchalanish harorati esa  $357,5^{\circ}\text{C}$  ga tengligi aniqlandi



Rasm 1. PP/PE polimer aralashmalarining harorat ta'sirida massa yo'qotishi.

1-rasmdan ko'rinib turibdiki PP matritsasiga PE ni turli nisbatlarda qo'shib borilishi umumiy polimer aralashma termo barqarorligining oshishiga olib kelmoqda.

Xulosa qilib aytganda, DSC termogrammasi PP/PE aralashmalarida PE mavjudligi materialning termal xususiyatlariga ta'sir qilishini ko'rsatadi. PE tarkibi oshgani sayin PP ning  $T_{er}$  harorati pasayadi, ehtimol PE tufayli yuzaga kelgan PP kristalining mukammalligiga to'sqinlik qiladi.

Kristallik darajasi ( $\chi\%$ ) PE tomonidan buzilgan PP kristalli qadoqlash tufayli kamayishi mumkin.

DSC tahlili ushbu aralashmalarda PP va PE o'rtasida qisman aralashmaslik borligini ko'rsatadi. PP hali ham ma'lum darajada kristallanishi mumkin bo'lsada, PE ning mavjudligi bu jarayonni buzadi, bu esa erish haroratining pasayishiga va kristallanishga olib keladi.

#### Adabiyotlar

1. S. Bertin, J.J. Robin, Eur. Polym. J. 38 (2002) 2255–2264.
